

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>Л. Бегимқулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннахрдан кўчиши ҳамда	
унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
ХIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги	
геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳокими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматқулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзарапари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос	
хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида	
лингвистик гешталт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Сайдова</b>	
К.Болдиқнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли	
оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мuloқotда новербал мuloқot турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида	
тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Аҳмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида	
Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003)</b>	246

---

УДК: 341.24

## XIX АСРНИНГ СҮНГГИ ЧОРАГИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА АФГОНИСТОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ

### ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ В АФГАНИСТАНЕ В ПОСЛЕДНЕЙ ЧЕТВЕРТИ XIX ВЕКА И НАЧАЛЕ XX ВЕКА

### THE GEOPOLITICAL SITUATION IN AFGHANISTAN IN THE LAST QUARTER OF THE 19TH CENTURY AND THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Ш.Рискулов<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ш.Рискулов

– Тошкент давлат шарқшунослик институти  
таянч докторанти.

#### Аннотация

Мақолада Афғонистоннинг географик жойлашуви, унинг Марказий Осиёдаги геосиёсий ўрни, Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги муҳим геостратегик нуқтада жойлашганлиги, XIX аср охирин – XX аср бошларида Афғонистоннинг мустақил ташқи сиёсий фаолият доирасидаги ҳаракатлари, Англияning Афғонистон ички ишларига аралашуви, Англия ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир тарихий фактлар таҳлили, Англия ва Россия ўртасидаги келишувларнинг натижалари ва аҳамияти ёритилади.

#### Аннотация

В данной статье освещено географическое положение, геополитическое место и роль Афганистана в Центральной Азии, его особое стратегическое расположение в данном регионе. Рассматриваются проблемы дипломатических отношений между Англией и Россией в Афганистане в конце XIX – начале XX веков. Анализируются исторические факты дипломатических отношений между Англией и Россией, вмешательство Англии во внутренние дела Афганистана, стремление Афганистана к независимой внешнеполитической деятельности и заключению соглашений между Англией и Россией по Афганистану, изучается внешнеполитическая линия России в этой стране, рассматриваются итоги и значение англо-русского соглашения.

#### Annotation

This article describes the geographical location of Afghanistan, its geopolitical location in Central Asia, and Afghanistan's important geostrategic location in Central Asia in the late XIX<sup>th</sup> and early XX<sup>th</sup> centuries, Afghanistan's independent foreign policy activities, the UK's involvement in Afghanistan, the analysis of historical facts concerning the diplomatic relations between Britain and Russia, the results of agreements between England and Russia.

**Таянч сўз ва иборалар:** Марказий Осиё, Афғонистон, афғон халқи, геосиёсий, Англия, Россия империяси, Қобул, Қандахор, Мозори Шариф, Амир Абдурраҳмон, Амир Ҳабибулло, 1876-1881 йиллардаги Иккинчи инглиз-афғон уруши, М.С.Бель, лорд Керзон.

**Ключевые слова и выражения:** Центральная Азия, Афганистан, афганский народ, геополитика, Англия, Российская империя, Кабул, Кандагар, Мазари Шариф, Эмир Абдурахман, Эмир Хабибулла, Вторая англо-афганская война 1876-1881 гг., М.С.Бель, лорд Керзон.

**Keywords and expressions:** Central Asia, Afghanistan, geopolitics, afgan people, England, The Empire of Russian, Kabul, Kandakhar, Mazar Sharif, Emir Abdurahman, Emir Habibullah, Second Anglo-Afghan war of 1876-1881, M.S.Bel, Lord Curzon.

Афғонистон Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбида жойлашган мамлакат бўлиб, шимолда Ўзбекистон, шимоли-ғарбда Туркменистон, шимоли-шарқда Тожикистон, ғарбда Эрон, жануби-шарқда Покистон, мамлакатнинг энг шарқий сарҳадлари Хитой ва Ҳиндистон билан тулашган. Унинг майдони 652 кв.км.ни ташкил қилиб, 2019 йилги маълумотларга кўра аҳолиси 31 млн. кишидандан зиёдроқ, аҳолисининг ярми афғонлар, қолган қисми 20дан ортиқ миллат вакиллари ташкил қиласди. Давлат тили

пушт, дари, аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қиласди. Мамлакат пойтахти Қобул шахри бўлиб, Қандахор, Ҳирот, Мозори Шариф каби йирик шаҳарлари мавжуд [15].

XIX аср ўрталари – XX аср бошларида Марказий Осиё муҳим геосиёсий минтақа ҳисобланниб, Афғонистон эса унинг асосий стратегик нуқтасини эгаллаган эди. Лекин бу даврда минтақага икки йирик мустамлакачи давлат тобора яқинлашиб келмоқда эди. Бири шимолдан, бир неча асрлардан бери

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган, бу даврга келиб Марказий Осиёнинг шимолий худудлари устидан ўз ҳукмронлигини қарор топтириб бўлган Россия иккинчиси эса жанубдан, Ҳиндистон субконтинентида ўз устиворлигини ўрнатган ва тизимли равишда шимолга қараб силжиб бораётган Англия эди. Шубҳасиз, ҳар икки мустамлакачи давлат ҳам янги бозорларга, хомашё манбаларига, қолаверса, стратегик қулай худудларга эга бўлиш учун минтақани ўз таъсирига олиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадларини кўзлашганлиги боис, минтақада инглиз-рус рақобати вужудга келди ва у бутун XIX аср мобайнида халқаро муносабатлар тизимининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Инглиз-рус мухолифлиги кейинчалик “Катта ўйин”деб номланган янги номга эга бўлди [8, С.7].

Ушбу худудда олиб борилган кўплаб тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Афғонистон қадимдан Марказий Осиёни Ҳиндистон ва Эрон билан ўзаро бир-бирига боғлайдиган кўприк вазифасини бажарган. Ушбу омил худуд учун долзарб аҳамият касб этиб, империяларнинг диққатини ўзига жалб этарди. Афғонистонга, айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия ва Англиянинг геополитик нуқтаи назардан қизиқиши кучайди. Бунга сабаб сифатида Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистоннинг Афғонистон билан чегарадош эканлиги бўлса, Россия империяси таъсиридаги Ўрта Осиё жанубий худудларининг ҳам Афғонистон шимоли билан кўшни эканлиги эди. Афғонистон минтақаси ер ости ва усти бойликларидан ҳам кўра, унинг муҳим стратегик нуқтада жойлашганлиги ушбу империяларнинг диққат эътиборини тортарди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Афғонистон иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган феодал мамлакат бўлиб, ўзаро ички бош-бошдоқлик ҳукм сурган, ташки сиёсий масалаларда эса унинг суверенитети чекланган эди [4, С. 222-231].

Хусусан, 1876-1881 йилги инглиз-афғон уруши пайтида афғонларнинг қаҳрамонона кураши туфайли Англия Афғонистонни ўз мустамлакасига айлантира олмади. Аммо Афғонистоннинг бошқа давлатлар билан ташки алоқаларини назорат қилишни

назарда тутувчи шартнома имзоланди. Бунинг эвазига Англия ўз зиммасига Афғонистон амирига ҳар йили субсидия тўлашга ва унинг мулкини турли хил ташки тажовузлардан ҳимоя қилишга ёрдам бериш мажбуриятини олади. Ушбу шартлар Англиянинг Афғонистонни кейинчалик ўзига бўйсундиришига бўлган навбатдаги уринишлари учун пойдевор яратди [5].

XIX аср иккинчи ярмида Буюк Британия Яқин Шарқда ўзининг асосий рақиби Россиянинг тажовуз қилиши мумкин бўлган барча худудларни эгаллашга ҳаракат қилди. Ҳар икки давлат учун Афғонистонни бўйсундириш эса кейинчалик Эронга ҳам босим ўтказиш имконини берарди. Буюк Британиянинг Афғонистонга нисбатан агресив сиёсати Ҳиндистондаги бекарор вазият билан боғлиқ эди, яъни у ерда ҳар қандай пайтда мустамлака қарамлигига қарши озодлик учун кураш олиб борилиши мумкин эди. Шунинг учун Буюк Британия Ҳиндистонни Афғонистондан ҳам, Россия томонидан ҳам бўладиган ҳар қандай ташки таъсиrlардан сақлашга ҳаракат қилган.

Афғонистон амири Абдураҳмоннинг мамлакатда ўтказган кенг кўлламли ислохотлари натижасида унинг қуролли кучлари ва мамлакатнинг иқтисодий муносабатлари мустаҳкамланди. Бу эса унинг марказлашган давлатга айланганлигидан далолат эди. Мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилган амир Абдураҳмон инглиз ва рус савдогарларининг мамлакатга кириб келишига йўл қўймайди, ўз худудида бошқа хорижий давлат вакилларига ҳам имтиёз бермади. Афғонистоннинг Англия билан ҳар қандай алоқа қилиши ва у билан муносабатда бўлиши мамлакатдаги энг оғир жиноятлардан бири саналарди [3, С.123-124].

Ҳиндистон вице - қироли лорд Керзон амир Абдураҳмонга “Афғонистон душманлари билан тенг ҳукуқли бўлган, ҳарбий жиҳатдан эса мустақил давлатга айлантириш гоясини илгари сурган мамлакат етакчиси” сифатида таърифлагани бежиз эмас эди.[11,Р.265] Афғонистоннинг душманлари дейилгандан, лорд Керзон Англия ва Россияни назарда тутган эди.

Буюк Британиянинг ҳукмрон доиралари Афғонистонни жиддий рақиб сифатида куриб, унинг кучайишига йўл қўймаслика

ҳаракат қилар, Ҳиндистонда бўладиган миллий озодлик ҳаракатлари Афғонистон томонидан кўллаб қувватланишидан хавотирда эдилар [12, Р.163].

XIX асрнинг 80–90 – йилларида Англия ҳукмрон доираларининг Афғонистонни бўйсундириш истаги сезиларли даражада ортди. Бундай тажовузкорона сиёсатнинг асосий мақсади Ҳиндистонни Россия таҳдидидан ҳимоя қилиш сифатида эътироф этилади. Британия армияси полковниги Марк Севр Бель таъкидлашича, Англия ва Россия ўртасидаги муқаррар тўқнашувда Афғонистоннинг ҳарбий ҳаракатлар учун саҳна вазифасини бажариши, шу боис Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасида яшовчи мустақил афғон қабилаларини бўйсундириш зарур эди. Бу эса келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар пайтида Афғонистоннинг марказий худудларига Англия қўшинларининг қийинчиликсиз бориши ва қайтиши учун амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Улар Афғонистон устидан Британия ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатиш вазифасини кўйди [4, С.222-231].

М.С.Бель бу мақсадга эришишнинг асосий воситаси деб, Афғонистон шаҳарлари Қобул, Қандаҳор ва Сейистонни ўзаро бирлаштириб турадиган темирйўл линиялари курилишига қаратади [10, Р.171]. Афғонистон худудида темирйўлларнинг бунёд этилиши Англиянинг ушбу мамлакатни имкон қадар қисқа фурсатда босиб олиши ва бўйсундиришига ёрдам берарди.

Инглиз ҳукумати 1893 йилда Қобулга Дюранд бошчилигидаги маҳсус миссияни юборади. Ушбу миссия ўзига юклатилган вазифанинг уддасидан чиқишга мубаффақ бўлади. Яъни, Дюрандга топширилган вазифа амир Абдураҳмондан Сулаймон тоғларининг жанубий ёнбағрида жойлашган чегара чизиги ерларига бўлган барча ҳуқуқлардан воз кечиши талаб қилиш эди. Шу тариқа, Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги янги чегара Дюранд чизиги номини олди. Жорий этилган Дюранд чегара келишуви афғон халқининг Буюк Британияга нисбатан нафратини кучайтириди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид сифатида қабул қилинди [1, С.211].

Афғонистон ҳукмдори амир Абдураҳмоннинг чегара чизиги тўғрисидаги келишувни тан олиши ўша ҳудудларда

яшайдиган қабилаларнинг Англия ҳукуматига бўйсунишини англатмасди. Афғонистон ҳукумати томонидан кўллаб-қувватланган, ўз мустақиллигининг энг муҳим кафолати сифатида қаралган. Чегара чизиги бўйидаги афғон қабилалари инглизларни оммавий қўзғолонлар ва катта қаршиликлар билан кутиб олишган. Бу воқеалар Англиянинг Афғонистонни бўйсундириш истагини кучайтириди. Инглизлар бу мақсадга эришишнинг энг устувор вазифаси сифатида юқорида келтириб ўтганимиздек, темирйўллар тизимини барпо этиш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблашганлар. Бу эса ҳар қандай замбарак ўқидан-да фойдалироқ эканлигини таъкидлашган [13, Р.656]. Афғонистон масаласида Буюк Британия сиёсатининг асосини ташкил этган “Ҳиндистон мудофааси” доктринаси аслида “Афғонистонга фаол ҳужум” доктринаси деб номланган эди.

1889 йилдан бери Англиянинг ҳукмрон доиралари Афғонистонда темирйўллар ва телеграф линиялари тармоғини қуриш бўйича ўз режаларини амалга оширишга бир неча маротаба уринишган, бу, уларнинг фикрига кўра, Афғонистондаги инглиз қўшинларига ёрдам кўрсатиш учун Ҳиндистондан ҳарбий қўшин, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб беришни анчагина осонлаштиради [9, Р.516].

Туркистон ҳарбий округи штаб-квартирасидан олинган маълумотларга кўра, 1900 йилда Англия Афғонистонда темир йўл қурилиши, хусусан, биринчи навбатда Қандаҳор ва Ҳиротга олиб бораидиган йўл масаласини қайтадан қўяди, Россия империяси Ҳиндистон ҳукуматига бу темир йўл Афғонистон чегарасини кесиб ўтмаслиги тўғрисида огоҳлантириш хатини юборади [6, С.400].

1901 йилда амир Абдураҳмоннинг вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳабибулло амир этиб таҳтга ўтқазилади. Англия ҳукумати янги бўлган амир музокараларда ўз отасидан кўра “мулоҳазакорлик” билан иш тутишига умид қиласди. Англиянинг Афғонистонга нисбатан олиб бораётган ҳар қандай сиёсати Афғонистон билан тўғридан тўғри алоқалар ўрнатиш ниятида бўлган Россия империясининг ташки сиёсий фаолиятига ҳам сезиларли таъсир курсатарди.

Англия ҳукмрон доиралари ўзларининг сиёсий ҳаракатлари учун қандайдир ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида амир Абдураҳмон даврида Буюк Британия ва Афғонистон ўртасида тузилган шартномалар шахсий келишувлар эканлиги ва шунинг учун унинг вафотидан кейин тузилган битимлар қайта кўриб чиқилиши кераклигини билдиришади. Аммо Афғон ҳукмрон доиралари янги музокаралар ўтказиши рад этишади. Амир Ҳабибулло отаси Абдураҳмон даврида инглиз-афғон музокаралари натижасида тузилган шартномалар қонуний эканлигини ва бошқа тузатишларга муҳтож эмаслигини билдиради. Ҳабибуллонинг бундай баёнотидан сўнг Ҳиндистон вице - қироли лорд Керзон ўзи хоҳлаган шартномаларни қайта кўриб чиқиш осон эмаслигига ишонч ҳосил қиласди [14, Р.132].

Лорд Керзон амир Ҳабибуллога бир неча бор Ҳиндистонга расмий давлат ташрифи учун таклиф юборади. Аммо амир Л.Керзоннинг таклифларини қабул қилмайди. Ҳиндистонга бўладиган ташрифларнинг рад этилиши Афғонистон ички ва ташки сиёсатида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Амир Ҳабибулло лорд Керзоннинг таклифини қабул қилган тақдирда афғон қабилалари орасида амир ўз нуфузини тушириб юборишини билар, бу эса унинг эгаллаб турган тахти учун хатарли эди. Амир бу пайтда Буюк Британиянинг Жанубий Африкада бурлар билан урушда овора бўлиб қолганлигини, Россия эса Афғонистонга нисбатан фаол ташки сиёсатини кучайтирганлигини ҳам ҳисобга олган эди.

Англия томонидан турли сиёсий-иқтисодий босимларнинг кучайиши натижасида Афғон ҳукумати ўзининг жанубий чегараларини мустаҳкамлашга киришди. Бу орада Англия ҳукумати Афғонистон ички сиёсатида муваффақиятга эриша олмаган бир пайтда, у Россия империясидан Афғонистон ташки сиёсати устидан назорат Англия томонида эканлигини тан олишини талаб қиласди. Бироқ Россия ҳукумати Британиянинг Афғонистон ташки сиёсати устидан назоратини тан олишни истамайди.

XX аср бошларида Буюк Британия ва Россия империялари ўзларининг ташки сиёсий фаолият йўналишларини ўзgartиришга мажбур бўладилар.

Англияning эндилиқда Европадаги асосий рақиби Германия бўлиб, немис товарлари инглиз маҳсулотларини нафақат жаҳон бозорларида, балки Англияning ўзидан ҳам сиқиб чиқармоқда эди. Улар ўртасидаги асосий рақобат кемасозлик ва денгиз йўллари устидан назорат ўрнатишда намоён бўлди. Оқибатда сон жиҳатдан Германиянинг денгиз куролли кучлари Англиянидан ўтиб кетди [7, 5].

Англия Германия билан уруш бўлиши муқаррар эканлигини, урушдаги ҳал қилувчи жанглар куруқлиқда олиб борилиши ва Германия устидан ғалаба қозониш учун кучли пиёда қўшинларига эга иттифоқчи лозимлигини биларди. Бундай иттифоқчи фақат Россия бўла оларди. Шу мақсадда Англия ҳукмрон доиралари Россияга нисбатан ўзларининг ташки сиёсатларини ўзгартира бошладилар. Биринчи жаҳон уруши олдидан Россия империяси томонидан ҳалқаро сиёсатдаги туб ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган Россия ташки ишлар вазири А.П.Извольский, Британия дипломатларининг Россия билан Ўрта Шарқдаги таъсир доираларини тақсимлаб олиш лозимлиги тўғрисида битим тузиш зарур эканлигини билдиради [2, С.221].

Аммо бу шартнома тузиш ғояси инглиз ҳукумат аъзолари, шунингдек ҳарбийлар орасида кескин танқидларга учради. Буюк Британия Россиядан Афғонистон Англия таъсир доираси эканлигини тан олишини талаб қилди. Англия ташки ишлар вазири Э.Грей билдирилган бу талаб Англияниң келгусида Россия билан бўладиган муносабатларига салбий таъсир қилишини биларди [15]. Шунинг учун ҳам инглиз сиёсатчилари Россия билан бўладиган баҳсли худудларни дипломатик йўл билан ҳал қилиш кераклигини таъкидлашарди. Амири Ҳабибуллонинг ҳаракатлари Афғонистон мустақиллигини ҳимоя қилиш, Англия ва Россияга қарам бўлишнинг олдини олишга қаратилган эди.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида амир Ҳабибулло Афғонистонни нейтрал мамлакат, деб эълон қилди. Аммо Афғонистондаги турли сиёсий кучлар амирни ҳозирги ҳалқаро вазиятда Афғонистоннинг ташки сиёсий фаолият юритишида Англия қарамлигига чек қўйишга лаёқатсизликда айблайдилар. Бу орада ёш

афғонлар ҳаракати билан алоқалар үрнатған, ўзининг мамлакатни буткул озод қилиш ғоясини илгари сурган шаҳзода Омонулло ҳалқ орасида катта ҳурматга эга бўлиб бормоқда эди. 1919 йил 20 февралдаги сарой фитнаси натижасида амир Ҳабибулло таҳтдан кулатилиб, узоқ давом этмаган курашлардан сўнг Омонулло таҳтга ўтиради ва 1919 йил 28 февраль куни Афғонистоннинг тўлиқ мустақиллиги эълон қилингандиги тўғрисидаги манифестни эълон қиласди.

Демак, ер юзининг шундай минтақалари, худудлари борки, улар табиий ва турли-туман қазилма бойликлари билан эмас, айнан географик жойлашуви билан иирик империялар эътиборини ўзига жалб этади. Марказий Осиёнинг стратегик муҳим

минтақасида жойлашган Афғонистоннинг сиёсий курашлар ва фитналар марказига айланиб қолаётганинг асосий сабаби ҳам шунда.

XIX аср охири – XX аср бошларида Англия ва Россия Афғонистонга шунчаки мамлакат сифатида эътибор қаратиб қолмай, балки уни ўз мустамлакаларининг остонаси сифатида кўради. Сабаби, Британиянинг босқинчилик сиёсати режасида бўлган Эрон ва Марказий Осиё ерларига ҳарбий юришлар олиб борилган тақдирда Афғонистон энг муҳим ҳарбий амалиётларга тайёргарлик кўрадиган майдон сифатида бошланғич нуқта, Россия учун эса жанубий сарҳадларининг хавфсизлиги учун Афғонистон буфер зона вазифасини бажариши лозим эди.

#### Адабиётлар:

- Ерофеев Н.А. Очерки истории Англии. – М. : Соцэкгиз, 1959.
- Извольский А.П. Воспоминания. – Минск : Харвест, 2003.
- Мартин Ф. 8 лет при дворе неограниченного монарха. – Т., 1910.
- Очильдиев Д. К истории англо-русского соперничества в Афганистане (1901–1907). Научная работа и сообщения отделения общественных наук Академии наук Узбекистана. – Т., 1961. – Кн. 3.
- Плеханов А.Е. Англо-русская политика в отношении Афганистана в конце XIX – начале XX века. // Журнал. Вестник Рязанского государственного университета им. С.А. Есина. 2012. <https://Cyberleninka.ru>.
- Россия: государственные приоритеты и национальные интересы. – М.: РОСПЭН, 2000.
- Сальников А.В. Афганский вопрос и его решение в англо-русской конвенции // Журнал. Общественные и гуманитарные науки. 2008. <https://Cyberleninka.ru>.
- Хидоятов Г.А. Британская экспансия в Средней Азии. – Т., 1981.
- Diplomatic documents relating to the outbreak of European war. – N.Y.: Oxford University press, 1916. – Pt. 2.
- MacKenzie D. Imperial dreams and harsh realities. Tzarist Russia. Foreign Policy 1815–1917. – N.Y., 1994.
- Ronaldshay. The life of Cursou. – L., 1928. Vol. 2.
- Sungat D.P. India and Afghanistan. Study diplomatic relations 1876–1907. – Quercusland, 1963.
- Yooch Y.P. British documents on the origins of the War 1898–1914 / Y.P. Yooch, H. Temperley. Morley : J W Headlam, 1926.
- Sykes P. A history of Afghanistan. – London, 1940. – Vol. 2.

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).